

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.13733890>

ГЛОБАЛ ЛАНДРОМАТ: ГЕНЕЗИС ВА АМАЛИЁТ

Умурзоқов Меҳрож Умар ўғли

E-mail: umirzakovm7@gmail.com

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети — Халқаро ҳуқуқ факультети
магистранти

Илмий раҳбар: Ph.D., Юсупджанов Одил Абдугафурович

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада "Глобал ландромат" тушунчаси ва унинг генезиси, яъни шаклланиши ва ривожланиши тарихи ёритилган. "Ландромат" сўзи маънода пул ювиш схемаларини тасвирлайдиган термин бўлиб, унда ноқонуний маблағлар қонуний кўринишга келтирилади. "Глобал ландромат" атамаси катта миқдордаги маблағларни кўплаб молиявий операциялар ва механизмлар орқали яширишга қаратилган кенг кўламли "пул ювиш" схемаларини англатади.

Мақолада "Россия ландромати" ёки "Молдавская Схема" деб аталган катта молиявий фирибгарлик схемаси ҳақида батафсил маълумот берилган. Ушбу схема Россиянинг 19 банки орқали 20 миллиарддан ортиқ АҚШ долларини Молдова, Латвия ва бошқа Европа Иттифоқи давлатларига ўтказиб, коррупцион судьяларнинг ёрдами билан легаллаштирилган. Мақолада, шунингдек, схема ташиқлотчиларининг 500 мингдан ортиқ шахслар жалб этилганлиги, латвия банкларининг роли, молия тизимига кириш жараёни, пулларни жойлаштириш, стратификация қилиш ва интеграция қилиш босқичлари ёритилган.

Мақола "Глобал ландромат" каби схемаларнинг давлат ва глобал молиявий тизимларига жиддий таъсири ҳақида ҳам маълумот беради, чунки улар молия секторида шаффофликни камайтиради ва жиноий фаолиятни кўллаб-қувватлайди. Шунингдек, жаҳон миқёсида ҳукуматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ушбу операцияларнинг олдини олиш ва аниқлаш устида иш олиб боришмоқда.

Мақолада "Глобал ландромат" схемасининг кенг қамрови, ташкилотчиларнинг ҳуқуқий тизимни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлари ва уларнинг глобал молиявий тизимга етказган зарарини очиб беришга қаратилган.

Калит сўзлар: Глобал Ландромат, Пул ювиш, Молиявий фирибгарлик, Россия Ландромати, Молдова схемаси, Молиявий транзакциялар, Нолегал маблағлар, Молиявий тизим, Пул ювишга қарши кураш, Молиявий шаффофлик, Коррупциялашган судьялар, Европа Иттифоқи банклари, Жойлаштириш, қатламлаш, интеграция, Молиявий жиноятларга қарши кураш, Глобал молиявий таъсир.

ANNOTATION:

This article explores the concept of the "Global Laundromat," its genesis, and its development over time. The term "Laundromat" refers to schemes for laundering money, where illegal funds are disguised as legitimate financial transactions. The "Global Laundromat" describes large-scale money laundering schemes that involve the concealment of significant amounts of money through numerous financial operations and mechanisms.

The article provides a detailed overview of a major financial fraud scheme known as the "Russian Laundromat" or the "Moldovan Scheme." This scheme involved laundering over 20 billion USD through 19 Russian banks, using corrupt judges to legitimize the funds, which were then transferred to Moldova, Latvia, and other European Union countries. It discusses the involvement of more than 500,000 individuals, the role of Latvian banks, and the stages of money laundering, including placement, layering, and integration into the financial system.

The article also highlights the serious impact of such schemes on state and global financial systems, as they reduce transparency in the financial sector and support criminal activities. Governments and law enforcement agencies worldwide are actively working to prevent and detect these operations.

The article aims to uncover the scope of the "Global Laundromat" schemes, the efforts of organizers to exploit legal systems, and the damage these schemes cause to the global financial system.

Key words: *Global Laundromat, Money laundering, Financial fraud, Russian Laundromat, Moldovan Scheme, Financial transactions, Illegal funds, Financial system, Anti-money laundering, Financial transparency, Corrupt judges, European Union banks, Placement, layering, integration, Financial crime prevention, Global financial impact.*

КИРИШ:

“Глобал ландромат” ларга тўхталишимиздан олдин “Ландромат” тушунчасига ва унинг генезисига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. “Ландромат” тушунчаси кўплаб адабиётларда турлича келтирилади, хусусан, ушбу сўзни тўғридан-тўғри ингилиз тилидан ўзбек тилига таржима қиладиган бўлсак, “Кийимларни ювадиган ва куритадиган машиналардан фойдаланиш учун пул тўлайдиган жой”¹ тушунилади. “The Russian Laundromat” Российский Ландромат, “The Global Laundromat” Глобал Ландромат ва “The Moldovan Scheme” Молдавская Схема каби номлари мавжуд².

Юридик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, “Глобал ландромат” атамаси одатда мураккаб молиявий операциялар орқали катта миқдордаги пулларни чегаралар бўйлаб кўчиришни ўз ичига олган кенг кўламли “Пул ювиш” операциясини (*схемани*) англатади. Ушбу операциялар кўпинча кўплаб компаниялар, офшор (*компаниялар*) ҳисобварақалар ва маблағларнинг келиб чиқиши ва манзилларини яшириш учун бошқа механизмларни ўз ичига олади, бу эса ҳокимият учун пул оқимини кузатиш ва тартибга солишни қийинлаштиради.

“Глобал ландромат” номи пулни тозалаш ёки ювиш тушунчасини таклиф қилади, бу ноқонуний маблағларни қонуний кўриниши учун қонуний молиявий каналлар орқали “пул ювиш” англатади. Бундай операциялар одатда *жиноий ташилотлар ёки гиёҳванд моддалар савдоси, коррупция, фирибгарлик ёки бошқа ноқонуний корхоналар* каби ноқонуний фаолиятдан олинган даромадларни яширишга интилаётган шахслар томонидан амалга оширилади.

Ушбу схемалар нафақат давлат, балки глобал молиявий тизимларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки улар молия секторидаги шаффофлик, яхлитлик тизимларига путур етказиши ва кейинги жиноий фаолиятни

¹ Cambridge Dictionary. Meaning of Laundromat in English https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/laundromat#google_vignette.

² Deutsche Bank, Mirror Trades, and More Russian Threads. 29.03.2017. <https://www.newyorker.com/business/currency/deutsche-bank-mirror-trades-and-more-russian-threads>.

осонлаштириши мумкин. Шу сабабдан ҳам ушбу жиноят тури “трансмиллий” ҳисобланади. Бугунги кунда, бутун дунё миқёсида турли ҳукуматлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари пул ювиш билан курашиш, молия тизимининг яхлитлигини сақлаш бўйича бундай операцияларни аниқлаш ва олдини олиш (*превентив чоралар*) устида ишлашмоқдалар.

Уюшган жиноятчилик ва коррупция тўғрисидаги ҳисобот бериш лойиҳаси (*Organized Crime and Corruption Reporting Project*) катта миқдорда пул ювиш схемасига “Глобал ландромат” деб ном берган¹. Бу бузуқ сиёсатчилар томонидан ҳукуматдан ўғирланган ёки уюшган жиноятчилик фаолияти натижасида олинган 20 миллиард (баъзи манбаларда 80 миллиард) АҚШ долларидан ортиқ Россия давлати пулларини ювиш учун ишлатилган дунёдаги энг мураккаб ва энг катта “пул ювиш” схемаси ҳисобланиб, Российский ландромат (Russian Laundromat) номи билан турли хилдаги адабиётларда мустаҳкамланган. Бу нафақат Россиянинг компаниялари Латвия орқали Европа Иттифоқи банкларига пул ўтказиши, балки Молдовада схеманинг бир қисми ҳисобланган коррупционер судьяларнинг ноқонуний қарорлари ёрдамида “пул ювиш” жиноятининг содир этилганлиги аянчли ҳолатлардан бири ҳисобланади. Схемада Латвияда ҳам фақат битта банк ва Молдовада ҳам битта банк ишлатилган, аммо Россиядаги 19 та банк, банкларнинг баъзилари бой ва кудратли шахслар, шу жумладан Россия Президентининг амакиваччаси томонидан назорат қилинган². Буюк Британия давлатидаги Гардиан (*The Guardian*) газетасининг хабар беришича, ушбу “пул ювиш” (схемаси) жиноятининг содир этилишида айбдор сифатида 500 мингдан ортиқ шахс жалб этилган³. Айрим манбаларда келтирилишича, ушбу схеманинг тахминий яратувчиси молдовалик собиқ тадбиркор ва депутат

¹ Коррупция ва уюшган жиноятчиликни ўрганиш маркази Шарқий Европа, Кавказ, Марказий Осиё, лотин Америкаси ва Африкада тергов журналистикаси билан шуғулланадиган оммавий ахборот воситалари ва алоҳида мухбирлар уюшмасидир. Лойиҳа 2007 йилда Сараевода доктор Салливан ва Пол Радун томонидан ташкил этилган. <https://www.occrp.org/en/laundromat/>.

² The Russian Laundromat. <https://www.occrp.org/en/russianlaundromat/>.

³ Barr, Caelainn; Levett, Cath (25 March 2017). "More than half the funds laundered in a major Russian scheme went via the UK". *The Guardian*. <https://www.theguardian.com/news/datablog/2017/mar/25/more-than-half-the-funds-laundered-in-a-major-russian-scheme-went-via-the-uk>.

Платон Вячеслав Николаевич ҳисобланади¹. Платон Молдова давлатининг энг бой одамларидан бири бўлиб, Молдова давлатида шакар соҳасида, Украина давлатида атом энергетикаси соҳаларида ўз бизнеси мавжуд бўлган.

Америк Қўшма Штатларида нашр этиладиган Нью-Йорк (The New Yorker) газетасининг таъкидлашича, ушбу операция номи “Пул ювиш” (*схемаси*) куйидаги номлар билан кўплаб юридик адабиётлардан жой олади.

Юқоридаги бобда келтирилган “Пул ювиш” тушунчалардан фойдаланган ҳолда “Глобал ландромат” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу ноқонуний йўл билан топган пуллари (*ифлос пуллари*) қонуний йўл билан топилган пулга айлантириш, легаллаштириш (*тоза пулга ювиш*) схемасини тушунтириш учун ишлатиладиган умумий атама бўлиб, уларни қонуний кўриниши учун жиноий хатти-ҳаракатлардан тушган даромадлар ва бошқа манбаларин турли хилдаги схемалар ёрдамида яширишади.

Уюшган жиноятчилик ва коррупция тўғрисидаги ҳисобот бериш лойиҳаси (*Organized Crime and Corruption Reporting Project*) томонидан “Россия пул ювиш схемаси” фoш қилинди - бу катта миқдордаги маблағни Россиядан чиқариб юборишга имкон берадиган улкан молиявий фирибгарлик схемаси бўлган. Пуллар порахўрлик ва Молдова *ҳуқуқий тизимини оқилона эксплуатация (ишлатиш)* қилиш орқали легаллаштирилиб, Европанинг тули давлатларига чиқарилиб юборилди.

2011-йилнинг январь ойидан 2014-йилнинг октябрь ойига қадар Россияда жойлашган 19 та банкнинг жиноий фаолият орқали 20.8 миллиард АҚШ доллари миқдорида пуллар легаллаштирилади, яъни Европанинг турли давлатларига чиқиб кетади. Хусусан, 1870-йил ташкил этилган бутун жаҳондаги энг йирик 10 та банк қаторига кирадиган Германиянинг Франкфут шаҳрида жойлашган (*Deutsche Bank AG*) Лондон фонд биржасида рўйхатга олинган энг юқори бозор капиталлашувига эга 100 та компаниянинг акция индекси рўйхатига кирувчи

¹ The Global Laundromat: how did it work and who benefited? <https://www.theguardian.com/world/2017/mar/20/the-global-laundromat-how-did-it-work-and-who-benefited>

Британиянинг трансмиллий (*Standard Chartered PLC*), 1869-йилда ташкил топган ва доимий равишда фаолият юритиб келаётган (*Barklays Bank*) (*Англия банкларининг катта 4 лигига киради*).

Жиноий фаолият орқали топилган 20.8 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги пуллар 96 та давлатнинг 732 банкларида ҳисобрақамлари бўлган 5,140 та компанияларга тушди.¹ Хўш, ушбу турдаги жиноят қандай кўринишда амалга оширилди?

Биринчидан, Россия пул ювувчиларига тегишли иккита компания чет элда яширинча ташкил этилган. Улар чет элда фақат қоғозда мавжув бўлган ва амалда ҳеч бир фаолият билан шуғулланмайдиган офшор компаниялар ташкил этишган.

А компанияси Б компаниясига маълум пул миқдорини қарзга бериб, сохта “кредитор” га айланади, у олинган пул миқдорини қайтаришни кўзда тутувчи (*ваъда қилувчи*) шартномани имзолайди. Лекин корхоналарнинг (субъектив томондан) асосий мақсади мавжуд маблағни, яъни жиноий фаолият натижасида топилган пулларни офшор компания орқали легаллаштириш бўлган.

Ушбу қарз шартномани тузган Россия компанияси (ёки компаниялари) томонидан кафолатланади. Энг муҳими, шартнома ҳар доим Молдова фуқароси ўз ичига олган.

Сохта қарздор Б компания шартномани, яъни сохта кредитор А компанияси ўртасида тузилган шартномага асосан кредит кўринишида қабул қилинган (*фақат қоғозда, шартномада*) пул миқдорини қайтариш мажбурияти вужудга келади. Шундан сўнг, сохта кредитор А компания Россия давлатида жойлашган сохта қарздор Б компаниясидан тўловни талаб қилишни бошлайди.

Қарз Молдова фуқароси томонидан кафолатланганлиги сабабли, ушбу муаммоли масаланинг асосий жараёни Молдова судида ҳал қилиниши керак эди. Схеманинг бир қисми бўлган коррупцион судьялар - Россия компанияси кафолатни ҳурмат қилиши ва қарзни тўлаши кераклиги тўғрисида расмий суд қарорини чиқаради.

¹ The Russian Laundromat Exposed. The Russian Laundromat: The world respond. Previous The Russian Laundromat Stories. About the project. Where did the Money Go? Partner Stories. <https://www.occrp.org/en/laundromat/>.

Схеманинг бир қисми ҳисобланган Молдова суди қабул қилинган қарорнинг бир қисмини ўзгартиришади. Яъни коррупцион судьялар “Moldindconbank” деб номланган ҳисобрақам очишади ва унга Россия компанияси пулни депозит қилиб, сохта тўланмаган қарзни жойлаштиришади.

Молдова прокуратура органлари ушбу схеманинг бир қисми сифатида камида 22 миллиард АҚШ доллари ювилганлигини айтишди. 2017-йил 24-март куни эълон қилинган баёнотга кўра, улар 16 судьяларини, мамлакат Марказий банкининг тўрт нафар ходимини ва тўққиз нафар тижорат банки ходимларини “Пул ювиш” жиноятининг содир этиш операциясига алоқадорликда гумон қилинаётгани устидан тергов ҳаракатлари олиб борилди¹.

Яқуний босқичда Россияда жойлашган сохта компания пулларни “Moldindconbank” деб ташкил этилган ҳисобрақамга ўтказишади. Ушбу процесс Молдованинг коррупцион судьялар томонидан ноқонуний қарор қабул қилиш орқали амалга оширилган ва фойдаланишга тайёр ҳолатга келтирилган. Ушбу жиноий фаолият орқали схемалаштирилган маблағлар, схема иштирокчиларининг баъзилари томонидан ҳашаматли товарларни сотиб олиш учун ишлатилади ва ушбу маблағларнинг келиб чиқишига шу йўл орқали қонуний тус берилади, яъни легаллаштирилади. Бир неча Латвия банклари ушбу схеманинг иштирокчилари сифатида номланди. Жиноий фаолият орқали топилган пул маблағларининг катта қисми (3,2 миллиард АҚШ доллар) Латвиянинг Траста Комерсбанка (*Trasta Comercbanka*) дан бир қатор компаниялар орқали бутун дунё бўйлаб кўплаб ҳисобрақамларга ўтказилган². 2016-йилда Европа Марказий Банки томонидан Латвиянинг Траста Комерсбанка (*Trasta Comercbanka*) лицензияси бекор қилинди. Латвиянинг яна бир (*Baltikums*) деб номланадиган банки Латвия молия ва капитал бозори комиссияси (*Financial and Capital Market Commission*) (*FKTK*) томонидан

¹ Global banks handled laundered Russian cash worth hundreds of millions. by Ivana Kottasova @ivanakottasova <https://money.cnn.com/2017/03/24/news/russia-money-laundering-global-banks/>.

² The Russian Laundromat Exposed. The Russian Laundromat: The world respond. Previous The Russian Laundromat Stories. About the project. Where did the Money Go? Partner Stories. <https://www.occrp.org/en/laundromat/>.

1,2 миллион евро миқдорида жарима жазоси тайинланади¹. Умумий ҳисобкитобларга кўра, Латвия давлатида ушби жиноий схемага асосланган депозитларни қабул қилган банкларни сони 9 тани ташкил этади.

Ушбу жиноий схеманинг тахминий яратувчиси молдовалик собиқ тадбиркор ва депутат Платон, Вячеслав Николаевич 2016 йилнинг июлида Киевда ҳибсга олинган ва кейинчалик Молдова Республикасига экстрадиция қилинган. 2017 йил 20 апрелда у 18 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди². Бирок, кейинчалик у озод қилинди, қайта судланди ва 2021 йил 14 июнда оқланди. Платоннинг адвокати Ион Крецу (*Ion Crețu*) хабар беришича, Платон 2021 йил 19 июль кунини Кишинёвдан Лондонга ва транзит йўллар орқали Лондондан Прагага учиб кетган³.

Пул ювиш схемасининг босқичларига ҳам алоҳида тўхталадиган бўлсак, ушбу босқичлар қуйидагича амалга оширилади: пул ювишнинг жойлаштириш босқичи, бунда банк ҳисоб рақамларига кичик миқдордаги маблағларни киритиш орқали ноқонуний даромадлар молия тизимига киритилади.

Буни чекларни сотиб олиш ёки бошқа ҳисобварақларга ўтказиладиган пул ўтказмаларини амалга ошириш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. 10 000 доллардан пастроқ суммаларни кўриш одатий ҳолдир, чунки бу молиявий разведкада шубҳа туғдирмайдиган оддий миқдор.

Стратификация босқич - бу маблағлар молия тизимига киргандан кейин содир бўлади. Бу ерда пул ювиш воситаси уларни манбадан ажратиш учун маблағларни ҳаракатга келтиради. Ҳозирда пул ювувчилар пулни кўчиришнинг бошқа бир қонуний усулларини топишга ҳаракат қилмоқдалар, чунки банклар йирик нақд пул операциялари ва бошқа шубҳали ҳаракатлар ҳақида хабар беришлари шарт. Жиноятчилар, шунингдек, ўтказмаларни қонуний кўриниши учун товарлар ёки хизматлар учун тўлов сифатида яширишлари мумкин.

¹ Company Overview of AS BlueOrange Bank, by S&P Global Market Intelligence at Bloomberg site. <https://www.bloomberg.com/research/stocks/private/snapshot.asp?privcapId=23228949>.

² Молдавский бизнесмен Вячеслав Платон осужден на 18 лет за отмывание денег. 20.04.2017. <https://www.kommersant.ru/doc/3276360>.

³ The Controversial Businessman Veaceslav Platon Left the Country. 19.07.2021. <https://www.zdg.md/en/?p=7615>.

Якуний босқич - бу интеграция бўлиб, маблағлар яширин бўлмаган иқтисодиётга киритилади. Одатда, пул ювувчи кўчмас мулкларга, юқори даражадаги активларга ёки бошқа кўринишдаги бизнесларга сармоя киритишлари мумкин.

Қимматли қоғозлар ва товарларни фирибгарлик схемаларининг энг кенг тарқалган турлари куйидагилардир:

Инвестицион фирибгарлик схемаси: Баъзан “юқори даромадли инвестицион фирибгарлик” деб аталадиган бу схемалар молиявий воситаларни ноқонуний сотиш ёки сотиб олишни ўз ичига олади. Одатда, инвестицион фирибгарлик схемалари паст ёки хавфли бўлмаган инвестиция лар, кафолатланган даромадлар, ҳаддан ташқари изчил даромадлар, мураккаб стратегиялар ёки рўйхатдан ўтмаган қимматли қоғозлар таклифлари билан тавсифланади. Ушбу схемалар кўпинча яқинлик гуруҳларини, масалан, умумий дин ёки этник келиб чиқиши бўлган гуруҳларни - уларга қарши инвестиция фирибгарлигини самарали бошқариш учун ишончни мустаҳкамлаш учун умумий манфаатлардан фойдаланишга интилади. Жиноятчилар орасида профессионал сармоявий маслаҳатчилардан тортиб, ишончли ва ҳар куни мулоқотда бўлган қўшни ёки спорт мураббийи каби одамлар бор. Фирибгарнинг ишончни кучайтириш қобилияти бу схемаларни жуда муваффақиятли қилади. Инвесторлар ҳар қандай янги инвестиция имкониятларига киришдан олдин текширишдан фойдаланишлари ва иложи борича кўпроқ маълумот тўплашлари керак. Куйида инвестицион фирибгарлик схемаларининг энг кенг тарқалган турларига мисоллар келтирилган:

Понзи схемалари: Ушбу схемалар янги инвесторлар томонидан киритилган маблағлардан мавжуд инвесторларга тахминий даромадларни тўлашни ўз ичига олади. Понзи схемалари кўпинча умумий хусусиятларга эга, масалан, ҳаддан ташқари изчил даромадлар, рўйхатдан ўтмаган инвестиция лар, кам ёки хавфсиз юқори даромадлар ёки яширин (*мураккаб*) стратегиялар.

Пирамида схемалари: Понзи схемаларида бўлгани каби бу схемаларда ҳам янги иштирокчилардан йиғилган пул аввалги иштирокчиларга тўланади. Бироқ, пирамида схемаларида иштирокчилар схемага янги иштирокчиларни жалб қилиш учун комиссия оладилар. Пирамида схемалари кўпинча кўп даражали маркетинг дастурлари сифатида яширинган бўлади.

Бош банк инвестиция фирибгарлигининг савдо дастури фирибгарлиги: Бу схемаларда жиноятчилар Федерал захира банки, Ғазначилик департаменти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар каби йирик молия институтлари томонидан маъқулланган махфий савдо дастурига кириш ҳуқуқига эга эканлигини даъво қиладилар. Жабрланувчилар кўпинча жиноятчилар мураккаб шартлар ва қонуний кўринишдаги ҳужжатлардан фойдаланишлари, шунингдек, инвестициялар зарардан суғурталанганлигини даъво қилишлари сабабли асосий банк инвестицион фирибгарликларига жалб қилинган.

Аванс тўлови бўйича фирибгарлик: Аванс тўловлари схемалари қурбонлардан анча катта даромад олиш умидида олдиндан тўловларни тўлашни талаб қилади. Одатда, жабрланувчиларга даромадли инвестиция дастурида қатнашиш ёки лотерея ўйинларидан совринни олиш учун улар биринчи навбатда солиқ ёки иштирок тўлови сифатида яширинган харажатларни қоплаш учун маблағ юборишлари кераклиги айтилади. Биринчи тўловдан сўнг, жиноятчи бошқа “Кутилмаган” харажатлар учун қўшимча маблағ талаб қилади.

Вексел фирибгарлиги: Булар одатда кам маълум ёки мавжуд бўлмаган компаниялар томонидан чиқарилган қисқа муддатли қарз воситаларидир. Ноталар одатда хавф-хатарсиз ёки хавфсиз юқори даромадлиликни ваъда қилади. Фирибгарлар тартибга солувчи текширувлардан қочиш мақсадида векселлардан фойдаланишлари мумкин. Бироқ, векселларнинг аксарияти қимматли қоғозлар бўлиб, қимматли қоғозлар, биржа комиссиясида ва улар сотилаётган штатларда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Товарларни фирибгарлик қилиш - бу нисбатан бир хил табиатга эга бўлган ва биржада сотиладиган (масалан, олтин, апельсин шарбати ва қаҳва) хомашё, ярим тайёр маҳсулотларни ноқонуний сотиш ёки сотиб олишдир. Товарларни фирибгарлик билан шуғулланувчи шахслар ёлғон даъволар ва юқори босимли сотиш тактикаси орқали инвесторларни ўзига жалб қилади. Кўпинча бундай фирибгарликларда айбдорлар, аслида, бундай инвестициялар киритилмаган бўлса, тахмин қилинган инвестицияларни акс эттирувчи сунъий ҳисоб кўчирмаларини яратадилар. Бунинг ўрнига, пул жиноятчиларнинг фойдаланиши учун йўналтирилди. Товарларни фирибгарликнинг иккита кенг тарқалган турига хорижий валюта биржасига (Форех) ва қимматбаҳо металлларга (масалан, олтин ва кумуш) инвестициялар киради.

Брокерни ўғирлаш: Бу схемалар брокерларнинг ўз мижозларидан тўғридан-тўғри ўғирлаш учун ноқонуний ва рухсат этилмаган ҳаракатларини ўз ичига олади. Бундай схемалар мижоз ҳужжатларини қалбакилаштириш, ҳисобварақдан кўчирмаларни расмийлаштириш, рухсатсиз савдо/пул ўтказиш фаолияти ёки брокернинг жабрланувчи мижоз олдидаги ишончли мажбуриятларини бузувчи бошқа хатти-ҳаракатлар орқали ёрдам бериши мумкин.

Бозорни манипуляция қилиш: Ушбу “Насос ва думпа” схемалари кичик биржадан ташқари бозорларда камроқ ҳажмдаги акцияларни манипуляция қилишга асосланган. Бозорни манипуляция қилиш бўйича фирибгарликларнинг асосий мақсади - фитначилар ўз акцияларини катта фойда билан сотишлари учун акцияларнинг нархини сунъий равишда оширишдир. “Насос” нотўғри ёки ёлғон савдо амалиётлари, оммавий маълумотлар ёки корпоратив аризалар орқали беҳабар инвесторларни жалб қилишни ўз ичига олади. Ушбу схемаларнинг кўпчилиги қозонхона усуллари билан фойдаланади, бунда фитначилар томонидан пора олган брокерлар инвесторлар сонини кўпайтириш ва натижада акция нархини ошириш учун юқори босимли сотиш тактикаларидан фойдаланадилар. Мақсадли нархга эришилгандан сўнг, жиноятчилар ўзларининг улушларини катта фойда билан “Ташлайдилар” ва айбсиз инвесторларни ҳисобни тўлаш учун қолдирадилар¹.

¹ WHITE COLLOR CRIME <https://www.fbi.gov/investigate/white-collar-crime>

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Cambridge Dictionary. Meaning of Laundromat in English https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/laundromat#google_vignette.
2. Deutsche Bank, Mirror Trades, and More Russian Threads. 29.03.2017. <https://www.newyorker.com/business/currency/deutsche-bank-mirror-trades-and-more-russian-threads>.
3. Коррупция ва уюшган жиноятчиликни ўрганиш маркази Шарқий Европа, Кавказ, Марказий Осиё, лотин Америкаси ва Африкада тергов журналистикаси билан шуғулланадиган оммавий ахборот воситалари ва алоҳида мухбирлар уюшмасидир. Лойиҳа 2007 йилда Сараевода доктор Салливан ва Пол Раду томонидан ташкил этилган. <https://www.occrp.org/en/laundromat/>.
4. The Russian Laundromat. <https://www.occrp.org/en/russianlaundromat/>.
5. Barr, Caelainn; Levett, Cath (25 March 2017). "More than half the funds laundered in a major Russian scheme went via the UK". The Guardian. <https://www.theguardian.com/news/datablog/2017/mar/25/more-than-half-the-funds-laundered-in-a-major-russian-scheme-went-via-the-uk>.
6. The Global Laundromat: how did it work and who benefited? <https://www.theguardian.com/world/2017/mar/20/the-global-laundromat-how-did-it-work-and-who-benefited>
7. The Russian Laundromat Exposed. The Russian Laundromat: The world respond. Previous The Russian Laundromat Stories. About the project. Where did the Money Go? Partner Stories. <https://www.occrp.org/en/laundromat/>.
8. Global banks handled laundered Russian cash worth hundreds of millions. by Ivana Kottasova [@ivanakottasova](#)

9. <https://money.cnn.com/2017/03/24/news/russia-money-laundering-global-banks/>.
10. The Russian Laundromat Exposed. The Russian Laundromat: The world respond. Previous The Russian Laundromat Stories. About the project. Where did the Money Go? Partner Stories. <https://www.occrp.org/en/laundromat/>.
11. Company Overview of AS BlueOrange Bank, by S&P Global Market Intelligence at Bloomberg site. <https://www.bloomberg.com/research/stocks/private/snapshot.asp?privcapId=23228949>.
12. Молдавский бизнесмен Вячеслав Платон осужден на 18 лет за отмывание денег. 20.04.2017. <https://www.kommersant.ru/doc/3276360>.
13. The Controversial Businessman Veaceslav Platon Left the Country. 19.07.2021. <https://www.zdg.md/en/?p=7615>.
14. White Collor Crime <https://www.fbi.gov/investigate/white-collar-crime>.